



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ



ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЯТИ
ВА ФOLKЛОР ИСТИТУТИ

ГЛОБАЛЛАШУВ: БАДИИЙ ТАЛҚИН, ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ГЛОБАЛЛАШУВ: БАДИИЙ ТАЛҚИН, ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«ФАН» нашриёти

Тошкент – 2018

УЎК 821:005.44:801.73

КБК 83.3(5Ў)

Г 57

Таҳрир хайъати:

ф.ф.д., акад. Б. Назаров, ф.ф.д., проф. Н. Маҳмудов, ф.ф.д., акад. Т. Мирзаев, ф.ф.д., акад. Н. Каримов, ф.ф.д. Қ. Қаҳрамонов, ф.ф.н. Сувон Мели, ф.ф.н. Э. Очилов, ф.ф.н. Г. Сатторова, ф.ф.н. М. Кўчқорова, кич.и.х. М. Ҳақимов.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., академик Т. Мирзаев

Такризчилар:

ф.ф.д. И. Ёқубов, ф.ф.н. С. Тўлаганова

Бадий адабиёт инсоншунослик экан, ушбу ўзгараётган замонда инсон ўзини қандай тутмоқда, унинг бу ҳолати адабиётда қандай талқин қилинмоқда ҳамда глобаллашув илмий-бадий талқинлар миқёси кенгайишига қандай таъсир кўрсатмоқда ва глобал талқинлар қандай бўлади, каби масалалар ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Китоб ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти «Адабий алоқалар ва адабиёт назарияси» бўлими томонидан амалга ошириляётган ОТ – Ф1-80 «Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи» номли фундаментал лойиҳа доирасида чоп этилмоқда.

Мазкур монография ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгаши қарорига (2018 йил 13 июнь 3-сон) асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-19-486-1

© Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
«Фан» нашриёти, 2018

КИРИШ

Ҳозирги дунёнинг ялпи ҳолат ва вазиятини бир сўз билан ифодалаш зарур бўлса, шу сўзни глобаллашув, деб аташ мумкин. Инсоният билиб-билмай, кўриб-кўрмай ушбу жараёнга тортилмоқда, унинг аччиқ ва ширин меваларини беихтиёр татиб кўрмоқда. Академик Б. Назаров ёзганидек, “Глобаллашув таъсирида замон ўзгармоқда, унинг билан бирга инсон ўзгармоқда”¹. Бадиий адабиёт инсоншунослик экан, ушбу ўзгараётган замонда инсон ўзини қандай тутмоқда, унинг бу ҳолати адабиётда қандай талқин қилинмоқда ҳамда глобаллашув илмий-бадиий талқинлар миқёси кенгайишига қандай таъсир кўрсатмоқда ва глобал талқинлар қандай бўлади, каби масалалар ҳозирги истиқлол адабиётшунослиги учун долзарб деб ҳисоблаймиз.

Ижодий жамоамиз саъй-ҳаракати билан 2018 йил 9-10 август кунлари “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” мавзусида ташкил этилган Халқаро илмий конференцияда мазкур масалалар ҳар тарафлама муҳокама қилинди ва мавзу тадқиқида лойиҳа аъзоларига муайян тўхтамларга келиш имконини берди.

Шундай қилиб, лойиҳа иштирокчилари дастлабки тадқиқот натижаларини “Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон” номи остида нашр этишни лозим топди. Монография тўрт боб ва уларни ташкил этувчи бир неча фасллардан иборат бўлиб, ҳар бирида глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образининг муайян қирралари ўзбек адабиёти намуналари таҳлили орқали очиб берилади. Асосий

¹“Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2-китоб. Т.: Muhaqir, 2018. 6-б.

эътибор янги даврда яратилган адабий асарларга қаратилади.

Биринчи боб “Глобаллашув ва бадиий адабиёт” деб номланиб, унда ҳодиса моҳияти, унинг етакчи белгилари, бадиий адабиётда намоён бўлиш йўли ва усуллари, муайян асарлардаги замондош образининг белги хусусиятлари, ўзбек аёли қисматининг глобал тасвири каби масалалар қамраб олинади.

“Глобаллашув – ижтимоий-бадиий муаммо” деб аталган иккинчи боб глобаллашув муаммолари ўзбек адабиётида ХХ асрнинг 60-йиллариданоқ юз кўрсатгани Ғафур Ғулумнинг “Ҳасан Кайфий”, П. Қодировнинг “Жон ширин”, Ш. Холмирзаевнинг “Ўзбек характери”, “Қадимда бўлган экан” ҳикояларида давр фожиасининг глобал муаммога айланиши мисолида таҳлиллар билан асосланади. Э. Воҳидовнинг кўпчиликка маълум бўлмаган “Икки тумор” трагикомедиясида инсоннинг фикрсизлик, илмий эксперимент воситасида қобилятсиз одамдан раҳбар яшаш каби тоталитаризмга хос иллатлар киноявий кулгу йўли билан фож этилади. Э. Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” драмасида Орол фожиаси глобал офат сифатида талқин этилгани урғуланади. Бобда шунингдек Ч. Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” ва “Қулаётган тоғлар” романларини илмий-бадиий таҳлил этиш орқали буюк адибнинг глобаллашув башоратчиси сифатидаги феномени ойдинлаштирилади.

Учинчи боб “Глобаллашув ва глобал илмий-бадиий талқинлар” фундаментал лойиҳа мавзуси учун бирмунча янги бўлиб, унда глобал илмий-бадиий талқин тушунчасининг моҳияти, белги-хусусиятлари, глобаллашув қиёсий типологик таҳлил учун кенг имкониятлар яратиши ҳамда бадиий адабиётни чуқур ва самовий ўлчамда ўрганиш, яъни адабиёт фалсафаси моҳиятан глобал талқин бўлиб, бадиий асарни илмий-бадиий жиҳатдан таҳлил қилишнинг самарали йўли экани тасдиқ ва тадқиқ этилади.

Маълумки, лойиҳа доирасида ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалардан бири “глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини асосида жанрлар ва бадиий асарлар поэтикасида

рўй бераётган янгилашиш жараёнларини аниқлаш”² тарзида белгиланган эди. Шунга мувофиқ тўртинчи боб “Глобаллашув ва адабий жанрлар поэтикаси” деб аталди ва у Ғарб ва ўзбек модерн ҳикоялари орасидаги ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлар, яъни икки ҳодисанинг қиёсий таҳлиллари, янги давр ўзбек драматургиясида замондош образининг белгилари ҳамда глобаллашув даври ўзбек шеърлятида поэтик идрок микёси ҳамда глобаллашув ва сатирик ифода каби илмий-масалаларни қамрайди.

Монография глобаллашув ҳақидаги яхлит илмий концепция асосида қурилган эса-да, унда ҳар бир иштирокчининг индивидуал нуқтаи назари ва услубини сақлашга ҳаракат қилинди. Бу махсус амалга оширилди, зеро, ягона ғоя доирасидаги фикрлар ранг-баранглиги китобнинг ўқишлилигини оширади, деб умид қиламиз.

Монография қуйидаги муаллифлар томонидан яратилди. Лойиҳа раҳбари: академик Бахтиёр Назаров (2-боб); лойиҳа иштирокчилари: филология фанлари доктори Қурдош Қаҳрамонов (1-боб), филология фанлари номзоди Сувон Мели (кириш, 3-боб, хулоса), филология фанлари номзоди Гулноз Сатторова (4-боб 1-2-фасл), кичик илмий ходим Мунишжон Ҳакимов (4-боб 3-4-фасл).

Илк бора амалга оширилаётган ушбу илмий тадқиқотда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни муаллифлар самимият билан қабул қилади.

² “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2-китоб. Т.: Muharir, 2018. 13-б.

I БОБ

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТ

Глобаллашув тушунчаси ва унинг етакчи белгилари

Кейинги чорак асрдан бери оммавий ахборот воситаларида, барча соҳага оид илмий-назарий тадқиқотлар-у, чоп этилаётган тўплам ва кўлланмаларда “глобал”, “глобаллашув”, “глобал хафсизлик”, “глобал муаммолар” каби асосини глобал тушунчаси ташкил этувчи масала энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Илм-фаннинг қайси бир йўналишига қараманг, у аниқ фанларми ёки табиий, ижтимоий-гуманитар соҳалар бўладими, ундан қатъий назар барчасида глобаллашувга оид муаммолар хусусидаги у ёки бу тарзида кузатишларга дуч келамиз. Шу ўринда қонуний саволнинг туғилиши табиийдир: хўш, асосини “глобал” сўзи ташкил этувчи муаммо нима ўзи? Нега бу ҳодиса сўнгги пайтларда бутун дунё бўйлаб олам ва одамга алоқадор барча масалалар муҳокамасида етакчи ўринга кўтарилмоқда?

Маълумки, “глобал” термини французча “умумий”, латинча “глобус – шар” маъносида келиб, ер юзига оид, бутун ер шарини қамраб олувчи, деган мазмунни ифодалайди. Кўчма маънода эса умумбашарий, кенг миқёсдаги, жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик маъноларида келади.³

Шунга кўра глобаллашув халқларнинг жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши мумкин бўлган муаммолар мажмуи сифатида талқин этилади. (Ўша манба, 507 бет.)

Глобаллашув жараёни инсоният тарихининг барча даврларида ҳам у ёки бу тарзда намоён бўлиб туриши қонуният эканини таъкидлаган ҳолда, сўнгги ярим асрлик кечмиши давомида

³ Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 1- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.507.

бутун жаҳоний кўлами билан юқори босқичга кўтарилганини таъкидлаш жоиз. Олимларнинг таъкидлашича, XX аср бошларида бўлиб ўтган биринчи жаҳон урушидан то бугунги кунгача инсоният тарихи учта катта эврилиш босқичини бошдан кечирди. Дастлабки босқич модернизм даври ҳисобланиб, биринчи жаҳон урушидан кейин кейинги ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар туфайли вужудга келган ва асосан Ғарбда бўй кўрсатган кенг миқийёсли инқироздир. Иккинчи босқич эса фашизмга қарши кечган жаҳон урушидан кейин, олтмишинчи йилларда бўй кўрсата бошлаган ва постмодерн деб аталган йўналиш бўлиб, мазмунан модерндан кейинги ҳолат, ўзига хос жараён, деган маънони ифодалайди. Постмодерн даврда мазкур кўламнинг кенгайиб бориши ва умумбашарий моҳият касб этиши кўзга ташланади. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига келиб дастлабки ҳар иккита тушунчанинг инкор этила бошлаши ва глобаллашув ғоясининг оммалашиш даври бошланди. “Америкалик сиёсатшунос М. Уотерс айтганидек, “80-йилларнинг асосий тушунчаси постмодернизм эди, 90-йилларнинг асосий ғояси эса глобализм бўлди”⁴

Глобаллашув ўз мазмун-моҳиятига кўра бутун ер куррасидаги инсоният қисматига дахл қилувчи кенг қамровли муаммоларни ўзида мужассамлаштирган ҳодиса сифатида қарор топа бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу жараённинг бутун олам ва одам қисматига бирдек дахлдор муаммога айланишида кейинги ярим аср давомида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий эврилишлар билан бир қаторда илм-фандаги беқиёс ривож, техника ва технология ҳамда ахборот коммуникатив тармоқларнинг тезкор тараққий этиши, айниқса, компьютернинг кашф этилиши, интернет орқали жаҳоннинг турли минтақалар рўй бераётган воқеа-ҳодисаларининг яшин тезлигида бутун ер юзига тарқалиши кабилар глобал муаммоларнинг асосини ташкил этмоқда.

Юқорида тилга олинган масалалар ҳақида кузатишлар олиб

⁴ Қобилов Ш. Глобаллашув ва хавфсизлик. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияти, 2006. –Б.25

борган Шаҳноза Қаҳҳорова глоболлашув муаммолари билан шуғулланаётган ғарб олимларининг фикрларига таяниб ёзишича, табора жадал ривожланаётган технологияларнинг кулига айланиб қолаётган одамзод антропологик инқирозни бошидан кечирмокда. Натижада у инсоният жамиятидан “пост-инсоният” жамиятига ўтиш хавфи билан юзма-юз турибди.⁵

Дарҳақиқат, сўнгги қарийиб чорак асрдан зиёдроқ вақтда бутун ер юзида рўй бераётган сиёсий-иқтисодий инқирозлар, айрим минтақалардаги қонли мажора, терроризм ва диний экстримизмнинг авж олиши, экологик инқироз, ирқчилик, майда миллатларга нисбатан геноцид ёндашувлар, миграция ва одам савдоси ҳамда маънавий инқирознинг яққол намунаси сифатида бўй кўрсатаётган биологик кризислар - бир жинсли никоҳ, ўз табиий жинсини ўзгартиришдек иллатларнинг авж олиши, булар барчаси бутун ер юзига тарқалаётган ва қайтмас фожиага айланиб бораётган глобал муаммоларидир.

Ш.Қаҳҳорова юқоридаги тилга олинган муаммоларнинг талқинидан келиб чиқиб, бугунги кунда бутун инсониятга хавф солаётган маънавий инқирозга асос яратаётган хатарларни кўйидагича белгилайди:

- 1) Иқтисодий хатар (2008 йилда рўй берган жаҳон миқёсидаги иқтисодий инқироз) ;
- 2) Ижтимоий хатар;
- 3) Информация (ахборот) хатари;
- 4) Мафкуравий хатар. Бу хатар ахборот хатари билан узвий алоқада намоён бўлади.;
- 5) Фан ва техника таракқиёти билан боғлиқ хатар;
- 6) Миллийликка таҳдид⁶.

Ш. Қаҳҳорова ўз тадқиқотида мазкур хатарларнинг шарҳи ва етакчи хусусиятларини Ник Бостром, В.Степин, А.Суббо-

⁵ Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – Б. 14. (“пост-инсоният” - “кейинги инсоният, анти инсоният, техниканинг кулига айланган, ихтиёрини техника ривожига бериб кўйган, деган маънода қўлланган)

⁶ Ўша манба, 38 бет.

тун, В.Порус, У.Саидов, О.Отамирзаев каби соҳа олимларнинг глобаллашув муаммоларига оид қарашлари билан асослайди.

Бинобарин, глобаллашув ўз табиатига кўра одамзод қисматига дахлдор бўлган сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий масалаларнинг беқиёс даражада умумлашма моҳият касб этиши, ҳар қандай худудий чегара ва тўсиқларни назар писанд қилмай бутун инсониятга дахлдор муаммога айланишига, бир сўз билан айтганда, интеграциялашувига асос яратувчи воқелик сифатида намоён бўлмоқда.

“Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин француз тадқиқотчиси Б.Бандининг мазкур жараённинг хусусиятларини нисбатан тўла қамраб олган таърифини келтириш ўринлидир:

а) глобаллашув – муттасил давом этадиган тарихий жараён;

б) глобаллашув – жаҳоннинг гомогенлашуви (юн. Хонкоденс таркиби, келиб чиқиш жиҳатдан бир хиллик, бир жинслик) ва универсаллашуви жараёни;

в)глобаллашув – миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёни.”⁷

Бинобарин, глобаллашув, энг аввало, инсонни унинг билими, дунёқараши, онги ва маънавиятига дахлдор бўлган барча жиҳатларини интеграциялаши билан ажралиб туради. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон билимининг назарий босқич(ментал)дан юксак даражадаги интеллектуаллик ва эстетик интуиция босқичига ўтиши (суперменталлик) унинг моҳиятини тубдан янгиланишига олиб келади.⁸ Бундай жараён ўз навбатида илмий муаммолар билан бир қаторда маънавий эврилишларга эътиборнинг кучайишига, миллатларнинг ўзлигини намоён қилувчи миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва юксалтиришга олиб келмоқда. “Инсоният тарихида, хусусан, глобаллашиб бораётган бугунги дунёда содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатар эканмиз, жаҳондаги барча

⁷ Умаров Б, Жабборов Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Т. “Akademiya”, 2011. – Б.23

⁸ Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – Б.19



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3625> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3625> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3625>